

НИШОТИЙ

Шеърлар

Кўзимни этти маскан ул нозанин паризод,
Кўнглимни қилди гулшан, ё каъба қилди бунёд.
Хоки қудуми онинг бошимни кўкка чекди,
Райҳон хаги ғубори қайғудин этти озод.
Ул икки зулфи қомат дод эрди-ю на қилди,
Дод ўлса ул учовлон, ким десун они бедод.
Ул кўзу қошу қомат, ул зулфи сунбулосо,
Овлар кўнгулни элдин бордур нединки сайёд.
Бор икки зулфаро юз моҳи тамом «ё» янглиғ,
Қомат «алиф» мисоли тонг йўқ бу эрса жаллод.
Шамшод топти шамни ул зулфи анбариндин,
Шод ўлди дерлар ондин эл ичра они шамшод.
«Фурқатаро на қолғум», дедим,— деди кулумсуб —
«Қошу қадимни доғи зулфимни айлагил ёд».
Утлуғ дамим гудози мўм этди, эй Нишотий,
Гар кўнгли эрди онинг қаттиғ мисоли фўлод.

Жавҳари жон лаҳжайи гавҳар фишонинг садқаси,
Булбули дил гунчаи гулшан баёнинг садқаси.
Гарчи ўлтурдинг мани ҳовакларингдин жонга ҳам
Лутф қил бир ўқ ёшил тузлиғ гумонинг садқаси.
Хаста кўнглум наргиси беморинга айлаб фидо,
Айлайин руҳи равон сарви равонинг садқаси.
Тўтиё гар кўз учундир етса хоки мақдаминг,
Этгамен кўз нуриин ўйла тўтиёнинг садқаси.
Ломи зулфингники олмиш ўртага они бало,
Эмди қилғумдур ўзумни ул балонинг садқаси.
Қомату қоши «алиф-нун»и эрур жондин зиёд.
Бордур ул он бирла жонон, жоним онинг садқаси.
Раҳм этиб судраб олиб борғил доғи эткил, рафиқ,
Ман қаро босқонни ул қоши қаронинг садқаси.
Жону кўнглум дарду меҳнат ўтига куйди на ғам,
Бўлса юз жону кўнгул ул дилрабонинг садқаси,
Кўзу қадду икки зулфидин сабо берди паём,
Эй Нишотий, айлайин бошим сабонинг садқаси.

Тўғий жоним лаби шаққар мақолинг садқаси,
Булбули руҳим гули боғи жамолинг садқаси.
Килк қудратдин ёзилғон лаб киби остида хол,
Ғарқи қон кўз мардуми ул лабда холинг садқаси.
Бермагил гулгунаи ул юзга рангким айлайин
Ашқнинг гулгунасин рухсори олинг садқаси.
Кўзларимдин турмайин ёд айлабон, шаҳло, лабинг,
Шўри дарёким оқар ширин зилолинг садқаси.
Утлуғ оҳимким фалак сақфиға бўлмуштур сутун,
Рост чиққан сарвдек раъно ниҳолинг садқаси.
Қомату зулфинг алиф-ломики макру ол эрур,
Бўлсун, эй гул, ҳусн эли бу макру олинг садқаси.
Жону кўнглаум туттилар роҳи биёбони жунун,
Токи бўлғайлар санинг ваҳки ғазолинг садқаси,
Жони махмурим лаби майғунинга, эй гул, фидо,
Давр ҳам қилғон қадим мушкин ҳилолинг садқаси.
Нуқтаи оғзинг-тавоҳҳумдур, белинг тори хаёл,
Йўқу борим, эй пари, ваҳму хаёлинг садқаси.
Ҳар нуҳусатким манга даври қамардин берди юз,
Саъди ахтар орази фархунда фолинг садқаси.
Эй Нишотий, не шамол ул зулфдин еткўрса шамм
Ол бу жоним айла ул хушбў шамолинг садқаси.

Эй пари, токай хароби чашми фаттонинг бўлай,
Юздин ол бурқаъни, бир дам маҳви ҳайронинг бўлай.
Уйрулай бошингга ҳар дам тори зулфингдек бўлуб,
Ким оёгингга тушуб помоли жавлонинг бўлай.
Пардаи шабгунни ташлаб, айлагил бир дам ҳалос —
Шоми ғамдин, садқа-у меҳри дуражшонинг бўлай.
Жамъ этарга хотирим очғил мусалсал сунбулунг,
Оразингдин зулфдек токай паришонинг бўлай.
Бошимиздин сояи лутфу карамни қилма кам,
Эй фидойи сояи сарви хиромонинг бўлай.
Лаъли майгунинг майидин бир дами маст эт мани,
То қачон махмури зори чашми фаттонинг бўлай.
Оч ниқобинг ғамза тиғи бирла то қошинг кўруб,
Айланиб гоҳи тасаддуқ, гоҳ қурбонинг бўлай.
Қомату қошинг алиф-нуники ондиндур нишон,
Кўргуз ул қад бирла қошин бандаси онинг бўлай,
Зулфингу қаддинг, қошинг ҳурфи эмиш жону жаҳон
Қил Нишотийга тараҳҳум садқаи жонинг бўлай.

Эй маҳ, санга юз жаҳон тасаддуқ,
Жон лаълингга ройгон тасаддуқ.
Бемор эса наргиси сияҳ маст,
Ман ожизу нотавон тасаддуқ.
Бир соат ўлай бошингга қурбон,
Қошингга замон-замон тасаддуқ.
Гулгунаға гул киби юз узра,
Гирён кўзум ичра қон тасаддуқ.
Бўлсун санга садқа нозанинлар —
Гар яхши ва гар ямон, тасаддуқ.
Гар кўрса юзингни ҳури жаннат —
Бўлғай эди бегумон тасаддуқ.
Нозик қадамингки ранжа қилдинг,
Бўлсун анга хаста жон тасаддуқ.
Қаддингки равон ёрутти кўзни,
Кўз нури анга равон тасаддуқ.
Қилдим санга ўйлаким Нишотий,
Йўлинг уза хонумон тасаддуқ.

Жоним менинг ул лаҳжаи гуфтора тасаддуқ,
Кўнглим доғи ул ғунча-у гулзора тасаддуқ.
Жоми ғами ҳажрингда тўла заҳри ҳалоҳил,
Нўш айлаганим лаъли шакарбора тасаддуқ.
Тонг отғунча шабнам дуриким кўз тўкар, эй гул,
Ҳар ён қулоғингда дури шаҳвора тасаддуқ.
Ошуфта кўнгул меҳнати ул зулф фидоси,
Жон хасталиғи наргиси бемора тасаддуқ.
Десангки сочим яхшими ё риштаи жонинг,
Юз риштаи жон бошдағи ҳар тора тасаддуқ.
Чек тиғи дил овизингу ваҳм этма гуноҳдин,
Қоним манинг ул ғамзаи хунхора тасаддуқ.
Симин баданинг садқаси олтун киби чеҳрам,
Қонлиғ кўзим ул ғозаи рухсора тасаддуқ.
Ақлу хираду жону дилу руҳи равоним,
Бўлсун бори ул қомату рафтора тасаддуқ.
Орому қароринг қони деб сўрмангиз, аҳбоб,
Эттим борисин келганида ёра тасаддуқ.
Жонона бошидин аюриб жон қилиб озод,
Қилдим дилими тун кеча дилдора тасаддуқ.
Фурқат туни ториде Нишотий киби чеккан
Ошуфталиғим турраи таррора тасаддуқ.

Эй париваш, бошинга ман хастаи зор уйрулай,
Нотавон бўлса кўзинг ман зори бемор уйрулай.
Гар жафоу жавр кўргуз, гар вафоу меҳр қил,
Садқаи лутфинг бўлай ё етса озор уйрулай.
Йўқ даври дардим илло бошинга айланмоғим,
Бошинг учун қўй, гуландомим, мани зор уйрулай.
Зулфинга тушмиш гиреҳ узра гиреҳ, чин узра чин,
Очғил ул чину гиреҳни ман гирифтор уйрулай.
Лабларингдин марҳаме еткурки гам ниши била,
Жон манго мажруҳ эрур доғи дилафкор уйрулай.
Тори зулфинг айланур бошингга айни заъфдин,
Ман доғи бўлмишман андоқ бир қаро тор уйрулай.
Нуқтаи оғзинг била райҳон хатинг атрофидин
Сими ашким оқизиб монанди пуркор уйрулай.
Ғамза нишидинки қоним ерга тўкдинг бошинга,
Қўйғил, эй бераҳм кофир, киши хунхор уйрулай.
Қадди рафторинг кўруб туби эрур кўздин ниҳон,
Бер ижозатким бу эрса қадду рафтор уйрулай.
Ою кун кирди қаро туфроққа хижлаат тортибон,
Ким демас, ёраб, мўюнгдек бўлса рухсор уйрулай.
Умрлардурким эрур жонимга лаълингдин умид,
Айлагил гоҳи Нишотий бирла гуфтор уйрулай.

Зулфин этмиш ул пари жон буйнига қуллоби ноз,
 Жон саломатким қуторсун¹ гар будур асбоби ноз.
 Саждага бошимни қўймас қоши истиғносидин,
 Оллоҳ-оллоҳ ким кўрубтур буйла бир меҳроби ноз,
 Зулфини юбким юз узра кўрсатур чину шикан,
 Хусн элиға ўргатур гўёки обу тоби ноз.
 Кўрган эрмас ман киби то бўлди аҳли баҳру барр,
 Ташнаи дашти тағофил ғарқай гирдоби ноз.
 Пардаи сабрим катондек чок-чок ўлса не айб,
 Тийра ҳижрон шомида кўргузди юз маҳтоби ноз.
 Изтиробим сокин ўлсун, жонситон, тифингни сур,
 Ним бисмил айламиш ваҳким мани қассоби ноз.
 Ёзмиш икки қошидин килки қазо фиҳрист этиб,
 Мусҳафи рухсорининг туғросида авбоби ноз.
 Лутф дарсин нуктадон ёринг дема хўб англамас,
 Они хатм айлабдурур ҳоло ўқур одоби ноз.
 Нозу истиғно чекарга ман киби топмас киши,
 Шукрлиллоҳ борман ушбу важҳ ила ноёби ноз.
 Ғамза нишидин лабинг ҳажрида кўздинким оқар,
 Қатра қонар ҳар биридур турфа лаъли ноби ноз.
 Гар ямон ҳолинг сори лутф айлабон солмас назар,
 Уйқудин эрмас Нишотий ул кўз этмиш хоби ноз.

¹ Қутқарсин деган маънода.

Е раб, нечук балодур бошимга шоми ҳижрон,
Не дардиға ниҳоят, не меҳнатиға поён.
Не сабру не қарорим, не хушу ихтиёрим,
Не ёру, не диёрим, не жон манга, не жонон.
Ҳар кунда бошга ғавго, ҳар тунда ўзга савдо,
Не манзилу не маъво йўқдур маконим имкон.
Меҳнатга даври бир фан кўнглумни қилди маъман,
Бошимни этти маскан ғам лашкариға даврон.
Кўзимда ашки ҳасрат, кўнглимда хори гурбат,
Бошимга гирди кулфат, андоқ ёғарки борон.
То солди ул суманбар жону дилимга аҳгар,
Оҳимни қилди сарсар, ашкимни этти тўфон.
Пинҳон назардин ул моҳ, не мунису не ҳамроҳ,
Дил сўзим оташин оҳ, ҳам суҳбатимдур афгон.
Ортиб балоу шиддат, юз мунча бўлса меҳнат,
Не ғам етурса накҳат ул зулфи анбарафшон,
Тортиб фиғони ғулғул, ҳажрингда мисли булбул,
Сансиз кўзимга, эй гул, мужгон нишу пайкон.
Лаълинг шаҳиди, эй дил, бўлмас кафанга мойил,
Бас жисм узра ҳойил, рангин кафан қизил қон.
Очғонда «доли» зулфинг, етгач шамоли зулфинг,
Қилди хаёли зулфинг торожи дину имон.
Зулм этти чархи золим, қилди фузун малолим,
Кўп мушкул ўлди ҳолим, ёраб, сен айла осон.
Лутф айлабон бир они, боқғил бу ён ниҳони,
Бўлсун Нишотий жони бошингга садқа, эй жон.

Кирсун қаро ер ичра, ё раб, бу шоми ҳижрон,
То субҳ васл юзин кўрмоқлик ўлғай имкон.
Сели сиришким ўлди афлок уйин ёқардек,
Кўз нури янглиғ ул ҳур, то кўздин ўлди пинҳон.
Бир телба ит каби ман сочиб бошимға туфроқ,
Не ақлу хушу идрок, не сар манга, не сомон.
Дашти жунун губорин кўкларга чекти оҳим,
Нетонг малоик ўлса, ул гирди дин гуризон.
То узди ул дилором сар риштаи висолин,
Дил сўзим оҳи жонгоҳ ҳамрозим ашку афгон.
Гар ўлса манда юз жон, бўлсун фидоси онинг,
Жондин эрур зиёда, жон жодда ё бирор он,
Атфоли дардинг, эй гул, тош отса бошим узра,
Сарсабз этгалидур, бошимға санги бёрон.
Лаълинг шаҳиди қони ер-кўкни ёқса не айб,
Ўтдурки шуъла тортар, эрмастур ул қизил қон.
Ширин лабингдин истаб сўз гавҳарини борди,
Дарёйи шўр кўздин ҳар сори дурри ғалтон.
Ганжи жамолинг узра афсунгар икки аждар,
Ул турраи мусалсал гисуйи анбарафшон.
Золи фалакки эрди машшота деди кўргач,
Кўзгу эрур муносиб ул юзга моҳи тобон.
Меҳроби қошинг ичра ул икки кофири маст,
Ондин қарор тутмиш то элдин олғай имон.
Раҳм этки, бор Нишотий зулфинг киби мушавваш,
Тори заифу тийра помолу ҳам паришон.

Е раб, на хуш кун эрки сўрмоқға арзи ҳолим —
Юз ишва бирла келди ул мушкбў ғазолим.
Олди ниқоби гулгун гул юздин ул паризод,
Кўргузди чехраи ол, дафъ айлади малолим.
Ҳар бир куним эди ой, ҳар ойим эрди бир йил,
Ул зулфу юзни кўргач, хуш бўлди моҳу солим.
Дедимки:— Шони ҳижрөн тул эрди ҳам қоронғу,
Дедики:— Кўзинг ойдин, топдинг бутун висолим.
Кўрсатди юз назокат ул бел ила оғиздин,
Бору йўқим фидоси ҳам садқа қийлу қолим.
Ул қошу кўз, қаду зулф эрмиш ниҳоли раъно,
Дарк айла яхши, эй ақл, десам они ниҳолим.
Ёнташтуруб жамолин меҳри фалакка, деди:
Инсоф қил, Нишотий, ул меҳри рў жамолим.

Не соат эрди буким дафъ эткали малолим —
Келди сўрарга ҳолим бераҳм шўхи золим.
Зоҳир қилиб латəфат, кўргузди юз қиёмат.
Ул икки зулфу қомат лол айлади мақолим.
Қадди ниҳоли мавзун, əғни либоси гулгун,
Келди бўлуб дигаргун, тə сўрғай арзу ҳолим.
Кулбамға кирди жонон, андоқки моҳи тобон,
Лаълидин истадим жон, рад қилмади саволим.
Бўлмоқға ёри ҳамдам, рози дилимға маҳрам,
Ваҳшатдин айлабон рам, ром ўлди ул ғазолим.
Етти шамими зулфи, файзи амийми зулфи,
Келди насими зулфи, ўнгса нетонг шамолим .
Қад бирла икки гисў, кўргузди ул парирў,
Дедики:— Дол эрур бу, кўргил бу бўйи долим.
Солмоқға нури жовид, кулбамға келди хуршид,
Кесмон самардин умид, гул берди ул ниҳолим.
Меҳри фалакка юзни ёнтоштурурда ўзни,
Деди:— Нишотий, кўзни очғил, будур жамолим.

Эй пари, ғамзаи ғаммозингга қурбон ўлайин,
Чашми бемори фусунсозингга қурбон ўлайин.
Мумкин эрмас дилу жон сайди қутулмоқ ондин,
Нохуни чангали шаҳбозингга қурбон ўлайин.
Кўзгу су бўлди хижолат била кўргач юзинги,
Чехраи ойна пардозингга қурбон ўлайин.
Иززатинг бошимизи чархи барин со этти,
Эврулай бошинга эъзозингга қурбон ўлайин.
Чокарий туби эрур бандаси сарви озода,
Қомати сарви сарафрозингга қурбон ўлайин.
Қилди офоқ элини бошдин оёқ савдойи,
Зулфи мушкини сарандозингга қурбон ўлайин.
Қай сори ғамза ўқин отса етар жонимиза,
Нуқтаи чап ғалатандозингга қурбон ўлайин.
Сўзи танда йўқ эди жону лабинг берди ҳаёт,
Сўзга жон бергучи овозингга қурбон ўлайин.
Хоҳ жон бергилу, хоҳ олки, Нишотий янглиғ,
Лутфинга садқа бўлуб, нозингга қурбон ўлайин.

Нозаниним, қадду рафторинга қурбон ўлайин,
Сўзлагил ноз ила гуфторинга қурбон ўлайин.
Руҳпарвар сўзинга бошдин оёқ садқа бўлиб,
Жон фидо лаъли шакарборинга қурбон ўлайин.
Этти қонимни ҳалол, айлади уйқумни ҳаром,
Ғамзаи қотили хунхоринга қурбон ўлайин.
Шоми ҳижрон қаро қайғусидин этти озод,
Меҳри анвар киби руҳсоринга қурбон ўлайин.
Сочларинг ториға жон риштасин айлаб пайванд,
Сунбули турраи тарроринга қурбон ўлайин.
Лутф этиб тиргизу ё қаҳр қилиб ўлтургил
Раҳминга садқа-у озоринга қурбон ўлайин.
Ҳусн гулзоридаким гуллар очибсан юздин
Эврулай гуллара, гулзоринга қурбон ўлайин.
Тийра мужгонинга, эй шўҳ, тасаддуқ бўлубон,
Нуқтаи наргиси беморинга қурбон ўлайин.
Раҳми йўх, зулми чўх эркан, доғи тошдин қаттиғ.
Эй Нишотий, дили дилдоринга қурбон ўлайин.

Оразинг ўтрусига, эй гул, нетонг ой келса кам,
Хуснинг афзундур дамодам ул бўлиб кам дам-бадам.
Кимки кўрса «жим»и зулфу «мим»и оғзинг ҳайъатин,
Хусни мулки тахтида дегай сани албатта Жам.
Маҳлиқолар ҳалқасида эрди бас зеби нигин,
Отинги оғушига олмоқға Хотам бўлди хам.
Кўзу қошу оғзидин динимға етмиш юз футур,
Эй рафиқ, этгил тааммул, гар десам они санам.
«Лом»и зулфи, «мим» оғзи ўз мисоли йўқлигин,
Жазм билдурди манга жозим эрур нечунки лам.
Ул кўзу ул зулф истаб йўқ оғизни ихтиёр,
Оташин оҳим эрур ғам шоҳига заррин алам.
Тарчи камдурман итингинг хоки пойидин, юз оч,
Камлигимга, эй пари, қил икки юз бирла карам.
Топмағунг матлуб кўзу зулфу оғзидин нишон.
Узлигинг то қилмасанг дасти фано ичра адам.
Икки зулфи «дол»у «лом»идин балои дил бўлуб,
Зулфу қадду қошидин юзланди меҳнат жонға ҳам.
Қошу қадду зулфини истаб таним монанди пол,
Ғамза тиғи бирла жисмим қилди «то» қоши қалам.
Бўлмасун афғону оҳингдин мушавваш хотири,
Топсанг ул зулфу оғизни, эй Нишотий, асра дам.

Эй, хуш ул соатки, ёр асрориға маҳрам эдим,
Оғзи рамзин онглагудек лаълиға ҳамдам эдим.
Кўзу қадду зулфидин оғзига доғи йўл топиб
Йўқ хаёл онда то билгон ўзгача олам эдим.
Иттиҳоди ўзлугим осоридин қўймай нишон,
Икки ҳарф бир жинс янглиғ ёр ила ҳамдам эдим.
Жаннат ойин боғи айш ичра кўруб хандону шод,
Оташин гул ғунчасидек лаълидин хуррам эдим.
Жомаро май кўзгуси ичра юзи аксин кўруб,
Ушбу юздин гаҳ Сикандар эрдиму гаҳ Жам эдим.
Ул пари оти вужудимға бериб зебу нигин,
Ҳалқа эрди ишқ эли ул ҳалқаға хотам эдим.
Қадди шавқи бирла гоҳи рост ноламдек буюк,
Зулфи занжири била гаҳ тўлгониб ҳам жам эдим.
Боғи умрим саҳнига ишратғаҳидин зебу зийн —
Ончи эрдиким хазон торожидин беғам эдим.
Сарву сунбул ғунча бутган масканим фирдавс эди,
Қадду зулфу оғзидин яъники бир одам эдим.
Сарсари даврон қаро туфроқға солди ногихон,
Йўқса ул гул шохи сори узра бир шабнам эдим.
Тойири қудсийдек эрди ошеним арш уза,
Итларининг гарчи хоки пойидин кўп кам эдим.
Пок май ичмакка ҳукм айлаб доғи фатво бериб,
Даҳр элига гоҳ эрдим қози, гаҳ аълам эдим.
Энди ҳаж айёмида зикрим, Нишотий, бу эрур,
Эй хуш ул соатки, ёр асрориға маҳрам эдим.

Оҳким бўлди висол айёми андоқ бир хаёл,
Олами имконаро мумкинлиғи ўлғай маҳол.
Чарх ақраб нишидин ўйди кўзим ул қоши ё,
Суд эмас бир ой бошида кўрсатур икки ҳилол.
Эй кўнгул, хў айлагил ҳижрон қаро шоми била,
Тийра сен хаффош янглиғ, сен киму меҳри висол.
Икки лому зулфаро кўргач алифдек қаддини,
Тонг эмас, эй аҳли дарк, ўлса тилимнинг нутқи лол.
Ҳоли мушкин нуқтасидин кўзларимда хол ўлуб,
Қошу қадду зулфи ҳажридин таним монанди нол.
Не ажаб, олам димоғидин чиқармоқ дудким,
Оташин гулдек юз узра мушки тардин тушти хол.
Қошу кўзу қадду зулфидин ниҳолидур дақиқ,
Мундин эрмишким дер эрканлар анга нозик ниҳол.
Сунбули пур тоби анбарсо эрур, пур печу тоб,
Тонг эмас онинг соридин келса мушк осо шамол.
Жон топар ҳар дам шамимидин насими субҳидам,
Ким деди, ё раб, шамол аҳлиға зулфидин шам ол.
Жидди жаҳд этмай етушмак зулфиға мумкин эмас,
Рамз бу эрканки, дерлар онинг отин «жим»у «дол»,
Қайда билсун фурқатимнинг шоми мушкил эрканин,
Ман ёниб ҳажр ўтиға ул гулга гулгундур ниҳол.
Гар баҳорингнинг хазони ҳажр торож айламиш,
Сабр эт, эй дил, шояд ўлғай доғи наврўзи висол.
Хўшачинидур камоли музрайда ою кун,
Кунға ул берди камолу ойға ул деди кам ол.
Дўзах ўтидек ёқар, ёқмас Нишотий жониға,
Ё раб, ўлсун ҳажр айёми қуёшиға завол.

Биҳамдуллоҳки жононим мани масти нигоҳ этти,
Кўзим боғин ниҳоли қоматига жилвагоҳ этти.
Утуб ҳар ёнға юз минг ишва-у нозу адо бирла,
Гаҳи кўргузди руҳсорин, гаҳи илкин паноҳ этти.
Юз узра донаи холин номудор айлабон қушдек,
Кўнгулни мубталои ҳалқау зулфи сиёҳ этти.
Қуёшдек орази узра чу тўкти зулфи мушкинин,
Қарортиб рўзгорим ҳоли зоримни табоҳ этти.
Паризоди Эрам, ё ҳур деб тавсифи руҳсорин,
Жунундин телба кўнглум деди, ҳарён иштибоҳ этти.
Ажаб эрмас, дамодам бўлса завқи сажда кўнглумга,
Азал наққоши ул ой қоши ёсин саждагоҳ этти.
Гадойи хоксори хўблар, гар бўлса тонг эрмас,
Ул ойни лутфи изад ҳусн элига қиблагоҳ этти.
Кулуб юз ноз ила ҳар дам чиқиб қасридин ул маҳваш,
Ҳамиша кору борим нолау афғону оҳ этти.
Дилоромим ҳарими ноздин чиқғач адо бирла,
Нишотий кўнглини айшу тарабдин ийдгоҳ этти.

Эврулай хулқи хушу иззату эъвозингдан,
Нуктаи марҳамати чашми фусунсозингдан.
Назарим сарвни гар тутмаса эрмастур ажаб,
Топти таъзим бу кун сарви сарафрозингдан,
Ою кун ер ёрилиб шому саҳар бирга кирар,
Уёлуру баски руҳи ойна пардозингдан.
Каро босқан кўзи кўнглумни тасаддуқ қилайн,
Боғу зогонинг ила зулфи сарондозингдан.
Кўзларинг сайди эрур кўкда малоик ер уза,
Жон қуши қайда қутулсун икки шаҳнозингдан.
Гарчи лаълинг кулубон ўлган эли тиргузадур,
Оҳким ўлгум эрур ғамзан ғаммосингдан.
Жон нечук қутқарайин, ваҳки, ажал бўлди шаҳид,
Тиғи тези ниғаху чап ғалат андозингдан.
Фурқатинг заҳри билан ўлмиш эдим, жон топдим,
Рухпарвар сўзу жон пур кучи овозингдан.
Дема: Ишқимда Нишотий тирик эрканму ўлук,
Ғаҳ тирик лутфинг ила, гоҳи ўлук нозингдан.

Базмимиз ичра бу кун ул сўзи шаккарму экан?
Е магар анжуман оро шаҳи ховарму экан?
Акси рухсоран соқийму қадаҳ кўзгусида,
Жоми Жамшидму миротий Сикандарму экан?
Оташин лаълиға кўнглум қуши айлар парвоз,
Утға ташлар ўзини йўқса самандарму экан?
Баски тинди кўзум ул маҳ юзига билмонким,
Кўзларим мардуми ё ҳоди муанбарму экан?
Дур фишон лаъли лабинг шавқи била қатра фишон,
Кўзуминг ҳалқаси ё чашмаи кавсарму экан?
Қоши меҳробидин айлар кўзиким манъи сужуд,
Каъба тоқида сияҳ маст ики кофирму экан?
Сунбулинг туррасиму гул киби ораз узра,
Ганжи ҳуснинг уза ё худ ики аждарму экан?
Қадр ила фарқи сирим чархи баринсо этган,
Хоки пойингму экан, бош уза афсарму экан?
На ўт эрдикки мани ўртади-ю кул қилди,
Жонда лаълинг гами ё хирмани ахгарму экан?
Эй Нишотўй, қаламингдин сочилур дурри самин,
Даржи килкингда ниҳон маҳзани гавҳарму экан?

Боғ сайрига хиром этган фалон жонму экан?
Е шафақгун чодир ичра моҳи тобонму экан?
Е қизил хоро кийиб жавлон қилур бир ҳурзод,
Е ниҳон гул баргида сарви хиромонму экан?
Оймудур, ё зуҳра, ёхуд муштари, ё офтоб,
Е паризоди Эрам, ё ҳури ризвонму экан?
Меҳри рахшон узра, ё қилмиш кавокиблар ҳужум,
Ёхуд ул оразда хўй,¹ ё дурри галтонму экан?
Қоним ила лолагун бўлмиш ҳинойи бармоғи,
Е қизил гул ранглари, ё шохи маржонму экан?
Хоки пойи сурмасидин бўлди нуроний кўзум,
Тўтиёйи нур баҳши чашми гирёнму экан?
Эй Нишотий, шавқидин қилган жаҳон мулким хароб,
Баҳри ашким мавжидур, ё сели тўфонму экан?

¹. Тер.

Оҳким ёндим жамол изҳори-ю ихфосидин,
Гоҳ куйдим нозидин, гаҳ ўлдум истиғносидин.
Икки «бисмиллоҳ» эрур килки қазодин икки қош,
Зоҳир ўлди сафҳаи рухсорининг туғросидин.
Юз қуёшча партавафкандур сафои соиди,
Мунча кўп фахр этмасун Мусо яди байзосидин.
Каъба тоқи пардасин наъшимга ёпгил, эй рафиқ,
Улсам ул қоши қаронинг наргиси шаҳлосидин.
Кишвари исломи диним асрамоқ мумкин эмас,
Ул балоангиз кофир кўзлари яғмосидин.
Чиққач ул юз пардадин бўлғай суҳо янглиғ ниҳон,
Қилмасун нозиш фалак меҳри жаҳоноросидин.
Асрай олмон ишқ сиррин айта ҳам олмонки бор,
Ваҳми қатл ихфосидин ҳам қон иси ифшосидин.
Қолмағай давронро савдойи ўлмай пур димоғ,
Ул мусалсал анбарафшон зулфнинг савдосидин.
Гар Нишотий ҳажридин ўлди, вале юз жон топар,
Бўсае инъом қилғач лаъли руҳафзосидин.

Биҳамдуллоҳ йўлуқтим гул жабинлиғ меҳрибонимға.
Фузунроқ нозидин алтоф эмиш оромижонимға.
Тулуъин ер юзида топтим ул ойнинг тилаб кўкдин,
Фалак гўё тараҳҳум айлади оҳу фиғонимға.
На нозу, на адо, на ғамза-у на ишва эркан бу.
Қуёш талъат, қамар сиймо, париваш навжувонимға.
Азал наққоши кўблар нақши зебо айлади, лекин —
Бирин ўхшатмади ҳусн ичра ҳаргиз дилситонимға.
Хироми қоматидин туби-ю сарв ўлдилар барбод,
Таололлоҳ, на сайр эркан тазарви бўстонимға.
Отарда ноз ўқин ҳар ён хатосиз ўқ манга етгай,
Нечук новак фиғанлик эркан эрди ул гумонимға.
Жаҳон боғиаро ою қуёш давронича, ё раб,
Замон ошубидин еткурмагил сарви равонимға.
Бўлуб ғаммоз жоним қасдин айлар дона ҳол эркан,
Кимиким маҳрам этсам жонаро рози ниҳонимға.
Ғаҳи нозик қўлин айлар ҳинойи рашкдин дерман,
Нишотийга кошки бўлғай ҳинодек қадди қонимға.

Е раб, ул юздурму ёхуд лолаи ҳамромидур,
Оймудур, ё зуҳра, ё меҳри жаҳон оромидур.
Илкин ул юз узра қўймишким ҳаёдин англамон,
Панжаи хуршидму ёхуд яди байзомидур.
Дард ўти дудин димоғимдин чиқаргон ҳар нафас,
Холи мушкиндурму, ё зулфи абиросомидур.
Эй хирад, кўнглум олиб берган танимға тоза жон.
Нутқи дилжўйиму, ё лаъли лаби гўёмидур.
Рўзгоримни қаронғу орази бахтим сиёҳ —
Айлаган холингму оё наргиси шаҳломидур.
Жону кўнглум ғамза ўқи бирла мажруҳ айлаган,
Вусмалиғ қошингму ёшил тузлиғ икки ёмидур.
Ишва-у нозу адо бирла фалакваш қасридин,
Жилвагар бўлгон Нишотий ул малак сиймомидур.

Эй, келиб олам эли жисму анга жон қоматинг,
Бўлди жон руҳи равон бўлмоққа бурҳон қоматинг.
Завқи эъвози учун турмиш оёғи устига —
Боғаро келгайму деб сарви хиромон қоматинг.
Зулфи пурпечинг киби шамшод помолинг бўлур,
Гар хиёбон азми роҳин этса бурҳон қоматинг.
Бўлмоқ истар ўзни бир дам тоқи қасрингга сутун,
Токи кўрмиш туби-ю фирдавси ризвон қоматинг.
Бандаи боғи эди сарви саҳи саркаш кўруб,
Решасин занжиру боғин этти виндон қоматинг.
Сажда қилғай туби-ю савсан ер ўпкай, сарв ҳам,
Жилвасин боғ ичра гар қилса намоён қоматинг.
Заъф ёшурғай Нишотийни ҳарими нозаро,
Эй париваш, бир замон гар бўлса пинҳон қоматинг.

Бўлмишам, эй гул, асири чашми фаттонинг санинг,
Вола қилди ақли зулфи паришонинг санинг.
Ишва-у нозу карашма бирла чиқсанг бўлғуси —
Ҳам малоик, ҳам пари, ҳам ҳур ҳайронинг санинг.
Кўрсалар нозу, адо-у, жилва-у рафтординги,
Лайли-ю Ширин бўлур, албатта, қурбонинг санинг.
Қолмағай ғам шоми ичра ақли оламдин биров,
Чиқса бурқаъдин баногоҳ моҳи тобонинг санинг.
Ҳоли розимни кўруб, гоҳи куларсан ноз ила —
Ким, мани қон йиғлатур ул лаъли хандонинг санинг.
Зулмлар кўп айладинг кўйингда ман девонаға,
Эй пари, бўлмазму оё лутфу эҳсонинг санинг.
Косаи дуррингдин, эй маҳ, айласанг эҳсон манга,
Ё раб, охир бўлмасун бу ҳусни давронинг санинг,
Боғаро ер ўпмайин олдингда қолмас бир ниҳол,
Борса юз минг ноз ила сарви хиромонинг санинг.
Эй Нишотий, мунча кўп афғону оҳингдин не суд,
Ҳолинга раҳм айламаз бўлди фалон жонинг санинг.

Оҳким бир кўзи шаҳлоға гирифтор ўлдум,
Юз туман фитнау офатға сазовор ўлдум.
Кирпикинг ўқларидан раҳм қил, эй қоши камон,
Сийна мажруҳу жигар решу дилафгор ўлдум.
Ваҳки, соҳир кўзингу офийи зулфингни кўруб,
Тўлғониб мор киби хастау бемор ўлдум.
Хатти мавҳуминг ила нуқтаи оғзинг ғамидин,
Сийм ашким оқизиб жазваду паркор ўлдум.
Кўруб ойнаи рўхсорида юз нақшу нигор,
Маҳву ҳайрөн анга чун сурати девор ўлдум.
Хор-хори ғами ишқинг била, эй гулшани ноз,
Хори роз ила оёқ остидаги хор ўлдум.
Бошима тушкали сочинг ғами, эй мўйи миён,
Оқибат хоки раҳи кулбаи хуммор ўлдум.
Уйғонурсан ўлубон ғафлат, агар бу эрса,
Дуди оҳим била заъф ичра қаро тор ўлдум.
Риндлар журъасининг қатраси умиди била,
Эй Нишотий, тирик ўлсанг дема бедор ўлдум.

Ё раб, ўлғаймуки, келгай жонға жонон муждаси,
Туфроқ ўлғон танға яъни жавҳари жон муждаси.
Ваҳ на бўлгай тийра шомим ичра равшан айлагай,
Кавкабафшон кўзларим ул меҳри раҳшон муждаси.
Фурқат айёмида кўр ўлғон кўзум ёрутғали,
Байтул-эҳзонимға еткай моҳи канъон муждаси.
Ул юзи гул, сунбули райҳон керак, ваҳ, найлайин,
Гул навиди етса ёхуд келса райҳон муждаси.
Эй на хуш бўлгай ўзи келмакдин эткай хуш димоғ,
Мушксоро туррасидин анбарафшон муждаси.
Етмас эрса муждаи васли баҳори ҳуснининг,
Сели ашкимдин бўлур оламға тўфон муждаси.
Келмакидин айлайин, ё раб, нечук қатъи умид,
Бизга мушкилдур санга бор лекин осон муждаси.
Водийи ҳирмонда қолғон ташнаға фазлинг била,
Абри раҳматдин етургил оби ҳайвон муждаси.
Ҳоли зориға Нишотийнинг этиб, ё раб, карам,
Бер анга жон муждаси, ё бергил имон муждаси.

Солди жонимға гиреҳ, әй шўх, печон кокилинг,
Этти савдойи димоғим анбарафшон кокилинг.
Нега олам аҳлини масту паришон этмагай,
Давр ошуби кўзинг, ошуби даврон кокилинг.
Барг авроқин узуб, совурди елга боғаро,
Гул юзинг кўргач бўлуб хижлатда райҳон кокилинг.
Сарв уза сунбул ўролғондек эрур, юз қатла хўб,
Наҳли қаддинг узра, әй сарви хиромон кокилинг.
Ҳар тараф қилсанг хиром эл жони помолинг бўлур,
Не учунким бордур, әй гул, риштаи жон кокилинг.
Куфр таъзимиға то зуннор қўйдинг бош уза,
Кофир ўлмақлиққа истар аҳли имон, кокилинг,
Гар Нишотий мўдек инжилғон танин ёқмас эсанг,
Айлама кўздин дамий, әй шўх, пинҳон кокилинг.

Ғариқи баҳри алам бўлғонимға ман мажнун,
На шиква дашти фароғатда ўйлаким мажнун.
Хату лаби юқори-ю қуйидаги холи,
Эрур чу нуқтаи жон, англағил, анга мазмун.
Лаби зилоли уза нуқта қўйди килки қазо,
Йўқ эрса лаъли уза йўқ нуқта айламак қонун.
Юзинг оқ эй ғаму меҳнатки кўргузуб найранг,
Юзимни гоҳи этиб ашким айладинг гулгун.
Фироқ шомида кўр ҳолим, эй қамарсиймо,
Бошимға анжами тошини ёғдурур гардун.
Лабимға рози дилим келмаки эмас мумкин,
Самандаринг ёрасидин нечукки оқмади хун.
Қошинг хаёли бошида гар ўлмас эрса мудом,
Недин Нишотий боши узра жо тутубтур «нун».

Усмадин ул маҳлиқо қошига мў тазйин эрур,
Хусн девони уза ё матлаъи рангин эрур.
Зулфи пур чинин десам мушкин саросардур хато.
Чин эмас бу ҳам десам ул кўз газоли чин эрур.
Қоши меҳробиға қўймас сажда айларга кўзи,
Куфр элига йўқса ўзга расм ила ойин эрур.
Ишқаро қоним ҳалол этмиш вале уйқум ҳаром,
Ғамзаи хунхорига бир турфа мазҳаб дин эрур.
Тонг эмас Парвез ила Фарҳоддек бўлса ғамим,
Ҳам тилинг шаккардурур, ҳам лабларинг ширин эрур-
Бўлгон эрмас шоҳиди авҳомдин ҳам баҳравар,
Соликийким ўзулки ваҳмиаро таъйин эрур.
Не ажаб ҳиссон каби бўлса Нишотий сарфароз,
Хусн элининг шоҳидин эҳсон анга таҳсин эрур.

Тушда лаълин кўрдим ул ойнинг тўла кулку била,
То қиёмат субҳи, ё раб, қўй мени уйқу била.
Шодлиғ ашкин оқизган кўзга суртуб оразин,
Дарду ғам гардин оритди кўзларимдин сув била.
Оташин жаннат гулидек очилиб кўргузди юз,
Эмди ҳаргиз юз кўришқум йўқ қаро қайғу била.
Гавҳари ашқимни манъ айларга лаълин тишлади,
Зийнатафзо бўлди лаъли жонфизо инжу била.
Оғзима рухсори кўзгусин тутор заъфим кўруб,
То ҳаётимдин нафас фаҳм айлагай кўзгу била.
Тийри ҳижрон шоми ичра бўлди нуроний кўзим,
То қаро суйин супурди вусмалиғ абру била.
Симёдин ёки зоҳир бўлди юз турлук хаёл,
Ёки ҳамхоб ўлдим охир наргиси жоду била.
Қилди ул кўзнинг қароси заҳри ҳижрондин халос,
Қайда по заҳр ўлғуси бу навъи ҳар оҳу била.
Орази мийнусида гулзори ҳуснин кўргали,
Йўқ Нишотийдек ишим бу гумбази мийну била.

Бу кеча эрди Нишотий айшим ул маҳрў била,
Шодағдин гоҳ йиғлаб, гоҳ эдим кулку била.
Ваҳ, на тунким онда пинҳон эрди юз қадри барот
Балки ҳамранг эрди ялдодек¹ ики гису била.
Шодлиғ ашкин оқизди моҳи рўйим юз очиб,
Кўзларимдин дард гардин ювди андоқ сув била.
Хайратим манъиға гоҳи тишлабон лаъли лабин,
Зинатафзо айлар эрдим лаълин ул инжу била.
Жаннат ойин базми айши ичра ҳам улфат эдим,
Вусмалиғ абру била, ҳам наргиси жоду била.
Хуш димоғ эрдим бу ақшом тонггача ишрат бўлуб
Сунбули мушкин била холу хати хушбў била.
Дедим:—«Эй гулруҳ, юзинг наззора қил ойга боқиб».
Деди:—«Кўрман оразим бу тийрарў кўзгу била».
Софи ваҳдатдин десанг бўлсун лаболаб пок қил
Ғайр дардидин кўнгул жомини «иллоху» била.
Субҳнинг анвори янглиғ шомини гафлатдин қутор,
Кўймағил, ё раб, Нишотийдек мани уйқу била.

¹ Қишнинг энг узун кечаси.

Зулфи печу тобраким шонадин таъйин эрур,
Жонга онинг рашки бирла рахналар чун «син» эрур.
Қаҳр этиб ушшоқиға чин дур қапоғи устида,
Мундин эрмиш дерлар ул кўзни ғазоли чин эрур.
Гарчи афзундур ниёзим ончи юз минг навъи ноз,
Наргиси фаттонидин ҳар лаҳзада таъйин эрур.
Сурмалиғ соҳир кўзинг устида мийнойи қошинг,
Ғамзау хунрез шамшириға ёшил қин эрур.
Қилма радким умрлардур бўсаи айлар савол,
Лабларингдин жони зорим сойили ширин эрур.
Сунбулинг айлаб либосин анбари тардек қаро,
Ўлмаган бўлсам недин ошифтау ғамгин эрур.
— Хусн девониға туғрому қошинг,— дедим, деди:
— Котиби тақдирдин бу матлаъи рангин эрур.
Туфроғим гар тўтиё бўлса кўзинг солмас назар,
Оллоҳ-оллоҳ, бу ики бединға мунча кин эрур.
— Зорларға мунча зулм этма,— дедим, деди кулуб:
— Эй Нишотий, бизга бу расм ила бу ойин эрур.

Улки уруш қилғали айлар шитоб,
Жонимадур рашк ила юз минг азоб,
Тиғи қучуб белини боғи била,
Риштаи жонимға тушар печи тоб.
Уйқуға хосил бўлубон дасти бўс,
Уқ йилонидек манга тоб узра тоб.
Уқлари чун тийри қазо беҳато,
Найзасида ниши қадар беҳисоб.
Тиғи дамидин кесилиб худу тарк,
Найзаси олдида сипар чун хубоб.
Уқи онинг шаҳпари Жибрил эрур,
Кимга етар они қилур комёб.
Рахшининг майдонда кўруб музтариб,
Жоним этар кўксумаро изтироб.
Душманига ўқ отари рашкидин.
Руҳим эрур ўйлаки тири шаҳоб.
Ҳамла этиб ўйлаки шери фарин,
Буржи асаддин чиқиб ул офтоб.
Сув киби тиғин чекибон тунду тез,
Олам эли мулкини қилди хароб.
Дашт уза дарёйи ҳунар кўрсатур.
Тер оқизиб ўйлаки дурри хушоб.
Разм салоҳин чиқариб эғнидин,
Соғ чиқибон айласа базми шароб.
Зор Нишотийға эрур бу умид,
Этса муҳаббат оёғ ол деб хитоб.

Токи кўздин солди фурқат ўтига жонон мани,
Ақл итти, хуш кетти, тарк қилди жон мани,
Борман андоқ ғарқаи гирдоб дарёи фано,
Истабон топмоқлиқи мумкин эмас имкон мани.
Ул пари ишқи била девона балким девман,
Зоҳидо, қилма насиҳат соғиниб инсон мани.
Чорасиз дардинг давосидур ўлум, юз войким,
Қўймас ўлмакка доғи бу дарди бедармон мани.
Қон била дарё матои кўз била кўнглумдадур,
Эй хирад аҳли, соғинманг бесару сомон мани.
Белу оғзининг хаёлидин вужудимдур адам,
Бўлмаган ердин топар, ёраб, нечук ҳижрон мани.
Белу оғзи рамзи ҳар не йўқу борин англадим,
Мунча дониш бирла оёким дегай нодон мани.
Чарх жавридин вужудим тор заъфи бу эса,
Ғам ема топмас Нишотий ахтариб даврон мани.

Қосид сўзига жавҳари жоним фидо, дедим,
Кўз нури хоки пойига камроқ баҳо, дедим.
Хомил эди сўзига онинг ушбу важҳ ила
Жибрил зори боргоҳини кибриё, дедим.
Нур этти хоки мақдами кўзинг қаро суйин,
Мундин қудуми туфроғини тўтиё, дедим.
Келсун бу сори деган эмиш ул маҳи мунир,
Жонимға ёқти, дардима бу сўз даво дедим.
Азм айладим жанобиға онинг мани гадо,
Хурди рақибим итдек онга ман бало, дедим.
Холимни сўрди лутфи ҳаримида бош уриб,
Зулфу кўзу қадиға ер ўлтим, дуо, дедим.
Шодобу сабз бўлғосан, эй нав ниҳоли ноз,
Сан шоҳи авжи иззату ман бир гадо, дедим.
Деди: кулуб талаттуф ила ул гули мурод,
Эй номурод, келганингга марҳабо, дедим.
Лаъли лабини қилди равонпарвар ул масиҳ,
Ман ҳам на сўзки эрди онга дилкушо, дедим.
Меъжар ниқоби гул юзи узра тушуб эди,
Оч, кўрсун они жону дили бенаво, дедим.
Юз ишва бирла оразидин олди панжаси,
Бу юздин они хамсаи олий ибо, дедим.
Ой партавийдин ўлди катондек бўлак-бўлак
Ёлгон экан бу сўзки они маҳлиқо, дедим.
Ул зулфи мушки қадни алиф, юзни ой дебон,
Қилдим ғалат каж, онгладиму кўп хато, дедим.
Имоси сўрди коми дилим арзи ҳолини,
Ҳар мақсадим чу бор эди андин раво, дедим.

Симоби ашк тахтида сарғарди оразим,
Олтун киби гаминг на ажаб кимё, дедим.
Дедики: уйни хилват этай арз қилғали,
Дарди дилингни хизматима ман худо, дедим.
Маншури ҳукм бўлғоч онинг рамзин онглабон,
Тарк айладим одамани қилмай ибо, дедим.
Раддимга гоҳи тишлади лаълин ҳаё била,
Жонимдин ўтти, айлама мунча жафо дедим.
Даста қабул гоҳи қўюб сийнаси уза,
Ҳар нуқтаким ишоратини жо-бажо, дедим.
Хулқинга ман тасаддуқ ўлай, эй баҳори ҳусн,
Бу не балолиғ, ишвау нозу адо, дедим.
Дедики: бахтинг ўлди мадакору ёваринг,
Ҳар неки манда бор эса мухтас санго, дедим.
Фурқатни рафъ қилди бериб неъматни висол,
Тангрига шукри беҳад, ҳамду сано, дедим.
Даврон балоу меҳнатидин айлади халос,
Нетонг, асоси қасрини доруш-шифо, дедим.
Билман ул ўйни тушму экан, ё хаёл экан,
Меъмори бу важҳ била симиё, дедим.
Оқу-қарони билмасам, э шайх, бас недин,
Дасторинг оқу икки юзинг қапқаро, дедим.
Ондин дурур намоз санинг бирла қилмасам,
Бўйи риёни масжидинга бўриё, дедим.
Ҳасрат ўтига ёнма инониб сўзумгаким
Кўп хор-зор, эй Нишотий, мани мубтало, дедим.

Зиҳи толеъки шамъам нури моҳи анвар аст имшаб,
Шабистонам тажалли бахши меҳри ховар аст имшаб.
Зи-дасти соқийи хӯрдам майи каз софийи машраб,
Ба дарди косаам муштоқ софи кавсар аст имшаб,
Шароби сандал осойи ба комам шудки сандалҳо,
Ғубори хотири фишонаи дарди сар аст имшаб.
Ба дасти қудсиён аз баҳри дафъи заҳми чашми бад,
Сипанд аз донани анжум зи гардун мужмар аст имшаб.
Кунад хушбӯ димоғи содаи булбул нижадонро,
Варақҳои гули васфашки дафтар-дафтарасти имшаб.
Нуҳусти ончунон зоил шуда аз мактаби афлок,
Зи ҳул устоди донишманди Саъди акбар аст имшаб,
Замини давлати султон тахти мулки маҳбуби,
Ба амри ман замон маъмури даврон чокар аст имшаб,
Надорат рӯи ҳардам хавфи даст рӯзийи муқбили,
Биҳамдуллоҳки иқболам мутӣу ёвар аст имшаб.
Гирибон чоки субҳ аз ҳасрати ў кавкабафшон шуд,
Майи айши Нишотий лаб балаб дар соғар аст имшаб.

МУХАММАСЛАР

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Хуш соат эди ваҳ на замону заман эрди,
Ул моҳлиқоға караму лутф фан эрди,
Жон эрди онинг пайкари жоним бадан эрди,
Ўткан кеча ман эрдиму ул сиймтан эрди,
Гулшан ичида масканимиз пур чаман эрди.

Ёрим кеча бу сори бўлуб келгали мойил,
Васл оятидек бўлди манинг шаънима нозил,
Булбул эди уйқуда доғи гул эди гофил,
Гулбунаро икки кишига сиғгуча манзил,
Булбул била гулдек икимизга ватан эрди.

Гулгун май ичиб бизни қилиб сарви сарафроз,
Пайдар-пай аёқ сунмоғидин айлабон эъзоз,
Лаъли берибон жону олиб чашми фусунсоз,
Маст айлади гаҳ нозу гоҳи арбада оғоз,
Кўксим киби чок ўлғон анга пираҳан эрди.

Хуршидни еткурди бутун чарҳи забардаст,
Жон бирла бадандек берибон бир-бира пайваст,
Лаъли майидин ичкач ўлуб туфроқаро паст,
Ман доғи юзимни кафи пойиға қўйиб маст,
Гулбарг уза кирфикдин агарчи нигин эрди.

Зиндони фироқ ичра ебон захру ичиб қон,
Юз қатла ҳаёти ўлуб ранжа анга жон,
Васл оқшомида сурса Нишотий киби даврон,
Ҳажр эмди Навоийни гар ўлтурса не армон,
Мунчаки мурод анга ба важҳи ҳусин эрди.



Қон тўккали гулгун этиб ул шоҳ қабосин,
Ончи манга еткурди ажал заҳму жафосин,
Қилдим танима қисват онинг тиғи яросин,
Ман ким ману қилмоқ ҳавас ул шўх либосин,
Ит билса керак муғтанам идбор палосин.

Ишқ аҳли дили зорида минг доғ ниҳондур,
Ҳусн аҳлида юз шевау минг ноз аёнду,
Булбуллар иши нола-у фарёду фиғондур,
Гул жилва қилиб базмаро булбул ичи қондур,
Ўз ҳолинг ила қилма кўнгул ҳол қиёсин.

Гулзори латофатаро ул ноз ниҳоли,
Ким бордур анга етмагай осиб шамоли,
Абрўйи снях тоб эрур тиғ мисоли,
Ғам мазраида кўнглум ул қош хаёли,
Деҳқонки, мудом асрагай ўзи била досин.

Мастона чиқиб дайрдин ул шўхи жафожўй,
Бошимни кесиб ханжар ила этмак учун гўй,
Ўлтургали истаб мани айларда таку пўй,
Мажнунвашим илкида қадаҳ, жабҳасида хўй,
Бу ақл ўтин бузди-ю ул зуҳд асосин.

Тарк этма Нишотий киби шоҳидни Навоий,
Ёд айламагил дайру масожидни Навоий,
Топмоқ тиласанг борча мақосидни Навоий,
Шоҳидни қўюб истама зоҳидни Навоий,
Ким бу соридур ҳусн хат ул сори маҳосин.

* * *

То кўзу ўнгимда фурқат ўқининг пайқонидур,
Икки олам оҳу ашким мавжининг вайронидур,
Икки йилдур тинмаган икки кўзим тўфонидур,
Икки гул вақтидаги икки қуёш давронидур,
Ким кўнгулда ул ики ораз ғами ҳижронидур.

Икки кофир кўзларингдин юз халал имонаро,
Лаъли хандонинг ғамидур дидаи гирёнаро,
Уйлаким бўлғай Масиҳо чашмаи ҳайвонаро,
То латофатдин лабинг шавқи тушубдур жонаро,
Гўйёким ул мунга тандур, бу онинг жонидур.

Ниш урурга қўйғоли ул зулфи мушкин гаждумин,
Қон оқизди кўзларимдин кўргил ашким қулзумин,
Ғарқ этиб гулгун шафақдек қилди сарсар анжумин,
Кўзда ҳар сори қизил рағлар демаким мардумин,
Ғамзанг урди захмлар, ҳарён югурган қонидур.

Йўқтурур даврони дунпарвар мадорига қарор,
То ж-дейҳиминг уза гар қўйса дурри шоҳвор,
Инқилоби бирла охир қилғусидур хору зор,
Улки то мумкин дурур кўрмиш фалакдин эътибор,
Бас мазаллат ҳам керак кўз тутса то имконидур.

Ул пари ёд айлабон бу хайли саргардонидин,
Чекмади ҳаргиз Нишотий қасрининг айвонидин,
Чиқманг, эй аҳли Нишотийнинг сира бўстонидин,
Асрангиз ўзни Навоий шуълаи афғонидин —
Ким бу оқшом фурқатий ошубининг туғёнидур.

* * *

Бўлди хоки тан қуюн ул сарви хуш рафторсиз,
Бўлмағай оламда мандек бахти бархурдорсиз.
Бир қуруғон нахлдекким бўлса баргу борсиз,
Навбаҳор айёми бўлмиш ман диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Оҳу вовайлоға нега топмайин сўзу гудоз,
Қумрилар хайлиғадур маскан ниҳоли сарвиноз,
Гоҳ шамъ ўти била парвона бордур сарфароз,
Гоҳ сарв узра, гоҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки манман гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Нўши ишрат ниши меҳнат бирла бордир тавъамон,
Ким баҳори васлға охир фироқ ўлди хазон,
Войким, бу дард қилди гунчаи кўнглумни қон,
Топмадим гулранг жоми бехумор, эй боғбон,
Ваҳки бу гулшанаро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Орази гар бўлмаса тушсун гулистонимға ўт,
Гулшани кўйидин айру боғи ризвонимға ўт,
Гунчаи боғи жинондур доғи пинҳонимға ўт,
Равзъа ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бу янглиғ дами дилдорсиз.

Эй ки, кирдинг роҳи ишқа боқмағайсан соғу сўл,
Яъни ҳар бир бул-ҳавасдек сунмоғил ҳар сори қўл,
Кир Нишотийдек харобат ичра шоду фориг ўл,
Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадға йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким хумморсиз.



Кимки топти коми ёри лаъли руҳафзосидин,
Бир тун они, эй қазо, асра саҳар ғавғосидин,
Айлама зоҳир қуёшни гунбази миносидин,
Е раб улким васл шони ком олур зебосидин,
Тийра қилма айши кўзгусини субҳ анфосидин.

Оҳу вовайло ўлуб ҳам ҳажрдин топман нажот
Қайда бўлсун музтариб кўнглумаро сабру сабот,
Тутти оччиг-сўз била ул нўши лаб заҳри мамот,
Эл майи лаълин нетай мамзуж эса оби ҳаёт,
Ким манинг жоним эрур мамлу фироқ ал-мосидин.

Гарчи мезроби ҳаводис айлади «қонун» мани,
Нолаи зор ичра қилди раъддин афзун мани,
Қилди маҳзун кўнглум олиб жон билан мамнун мани,
Ул пари ишқи агарчи айлади мажнун мани,
Шукр эрур борики қутқорди хирад васвосидин.

Ранж чекмай топмағунг ганжи самар, эй боғбон,
Очмағой бир шох гул то кўрмай осибӣ ҳазон,
Сабз бўлмас тухм то туфроқаро бўлмас ниҳон,
Қайси меҳри тухмини кўнглумда эқтим, кўр нишон,
Бир сўнғак ёнимда урмоқға муҳаббат досидин.

Лаълидин айру эрур жонимда юз минг изтироб,
Водийи ҳирманаро айлаб қуюндек печитоб,
Дард ўтиға айлабон бағрим Нишотийдек қабоб,
Эй Навоий, бир соқийвашға андоқман қабоб,
Ким унутмишман жаҳон тархон ила барлосидин.

* * *

Меҳри оламтоб янглиғ кўргузуб ул ой шитоо,
Чиқди шабгун пардадин суръатда андоқким шаҳоб,
Зоҳир айлаб оташин рухсор уза ҳар ён гулоб,
Топмиш ул юз қатра-қатра ҳуйдин ўзга обу тоб,
Қайда ваҳ-ваҳ мунча кавкаб зоҳир айлаб офтоб.

Рашкдин дерман бошинга ой кун айланмасун,
Кўзгу меҳри оразинг ўтрусига юзланмасун,
Қилма рухсоринг намоён ким жаҳон ўртанмасун,
Чиқма тўққуз парда кейнидинки олам ёнмасун,
Олсанг олти-етти бурқаъ қўйғил икки-уч ниқоб,

Токи ул маҳваш жамолига кўзимдур интизор,
Оқизур дур тишлари ҳажрида дурри шоҳвор,
Эмдиким бўлмиш бири Жайҳуну бири Дажлавор,
Бир дам ул юз нақш гирён кўзаро топмас қарор,
Суваро ҳуршид аксидурки айлар изтироб.

Нечун этмай чархи кажрафтор элидин додким,
Ғам уза ғам еткурур, фарёд уза фарёдким,
Нега ҳасрат ўтига куймай мани ношодким,
Сўзи ишқимдин савол этди ул ой фарёдким,
Юз жавобим бору йўқ ҳушим демакка бир жавоб.

Ваҳ нега ул ой Нишотий бандасин ёд этмагай,
Кўз учидин гоҳ-гоҳи хотирин шод этмагай,
Йўқтурур бир дамки даври чархи бедор этмагай,
Эй Навоий, гар десангким ғусса барбод этмагай,
Бош кўтарма бодадин зинҳор андоқким ҳубоб.

* * *

Эй қазо лаълидин айру жисмима жон айлама,
Умрим онсиз бир нафас бўлмоқки имкон айлама,
Жону кўнглим мубталойи доғи ҳижрон айлама,
Ё раб, ул юзни дами кўзимга пинҳон айлама,
Ё кўзумни андин ўзга юзга ҳайрон айлама!

Улки бордур меҳри рухсориға кўнглум жилвагоҳ,
Гар терар бўлса муанбар ҳалқан зулфи сиёҳ,
Шона олиб илкига зийнат учун ул рашки моҳ,
Очмайин зулфин паришон кўнглума чектурма оҳ,
Етмайин оҳим ели зулфин паришон айлама!

Ул париваш ишқида бир Қофдин ортуқ сабот,
Ўлсам ўзга маҳлиқолар лаълидин берма нажот,
Гарчи топсам заҳри ҳижрондин дамодам юз мамот,
Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт,
Лаълиға жонимдин ўзга жонни қурбон айлама!

Куйи тупроғидин эт ўлсам таним узра кафан,
Ё тирикман жавр тиғи захмин эткил пираҳан,
Ўлсаму ёхуд тирилсам лутф этиб ё зулминан,
Бошима кўйидин ўзга кўйни қилма ватан,
Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама!

Мумкин эрмас боғи жаннат ичра сайдинг бир гули,
Сарф қадди гулруҳи гул узра печон сунбули,
Хуси шоҳисан Нишотийдек санга йўқтур қули,
Истасанг эй гул, Навоийдек хушилҳон булбули,
Гунчадек кўнглин маломат хоридин қон айлама!

* * *

Сабоҳатда жабининг ою ҳам меҳри жаҳон эрмиш,
Назокатда қадинг тўби-ю ҳам сарви равон эрмиш,
Фасоҳатда тилинг тўти-ю ҳам шаккар баён эрмиш,
Латофатда юзинг ҳам гул эмиш, ҳам гулистон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жом, ҳам орамижон эрмиш.

Тонг эрмас бўлса жори ашки ҳунин ҳар сари кўздин,
Учар мундоқ кўнгилдин чиқмай ул кабквари кўздин,
Ажаб йўқтур дамодам оқса ашким гавҳари кўздин,
Бу маънийдинки доим чун ниҳондур ул пари кўздин,
Иши жону кўнгулни ўртамак доғи ниҳон эрмиш.

Агарчи хоки жавлон гаҳ ўлубман шўхи чобукка,
Маломат гирди мандин ўлтурур ул таъби нозикка,
Баробардур анинг нози манга-у мандин ўксукка,
Тўкуб май, муҳтасиб ман йиғладим лекин бу усрукка,
Сув келтирмак ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

Кўнгулким оташин лаълинг тилаб зулфингга боғланди,
Зилоли васлинг истаб ҳажр ўти дудига доғланди,
Ҳароратидин онинг қил киби ўт ичра тўлғонди,
Итинг бағримни бир чоғда оёғи қонға булғонди,
Кўзим боғида гул онинг тобонидин нишон эрмиш.

Нишотий кўзда сув кўнгилиаро қони топиб эркан,
Биридин лаълу бирдин дурри ғалтоний топиб эркан,
Кўруб они балолиғ баҳр ила қоний топиб эркан,
Навоийни дедим ишқ ичра сомоний топиб эркан,
Вале кўрдим ҳамон девонаи бехонумон эрмиш.

* * *

Қачон наҳли қаддиндек сарви раъно жилвагар бўлғай,
На мумкин қошларинг тоқи киби мадди назар бўлғай,
Демак оғзингни гунча эй париваш сиймбар бўлғай,
Оғиз ичра тилингдек гунчада гулбаргтар бўлғай,
Вале бу шарт илаким барги гул ичра шакар бўлғай.

Белу оғзинг йўқу борида бор эрди гумониким,
Муни гуфторинг, они қилди рафторинг аёниким,
Агар бу эрса ул қомат кўрунди ногихониким,
Қадингга сарви раъно ўхшағай лек ул замониким,
Хиромон бўлга-ю гул бергай ул гулдин самар бўлғай.

Юзингдин қатра ҳуйлар суръатинг вақтида чун оқти,
Ҳавосу ақлу хушу сабру оромим уйин йиқти,
Деди кўргач мунажжим оразинг ҳуршидиға боқти,
Юзинг давриға ой даврини ташбиҳ этгаман вақти,
Ки онда хол ила хат фитна-у даври қамар бўлғай.

Сужуд этмай нетай токим манга бордур нафас боқий.
Сияҳпўш ўлса ҳам бўлмиш қошингдек каъбанинг тоқи,
Инонғил бу сўзимга, эй париваш, маҳлиқо соқий,
Кўзингга ўхшағай наргис агар қиймоч ўлуб оқи,
Муддаввар асфари ичра қаролиғдин асар бўлғай.

Эрур жони низорим ҳардами қатлингга ҳожатманд,
Кесулсун бошим, эй маҳ, бўлмаса тигинг била хурсанд,
Манга бу сўзда изад зоти покидин эрур савганд,

* * *

Токи бўлдинг оташин рухсора бирла жилвагар,
Кўргач ўтлуғ оразинг ёндим, кул ўлдум сар-басар,
Солди савдойи жунун бошимга юз минг шўри шар,
Оташин оҳим била куйди дилу жону жигар,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Истабон дурдек сўзингни баҳри уммондур кўзим,
Ҳоли мушкининг ғамидин доғи ҳирмондур кўзим,
Ою кун сари назар солмоқ на имкондур кўзим,
Ғунчаи лаълингдин айру тўб-тўла қондур кўзим,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Лаъл хоро ўлди, лаъли хуш мақомингни кўруб,
Боғаро хор ўлди гул рухсори олингни кўруб,
Сарв кирди хокаро зебо ниҳолинггни кўруб,
Лоладек доғ ичра ман холи жамолинггни кўруб,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Хори ғамдин жон манга, эй гулўзорим, қолмади,
Қадду рафторингни кўргач ихтиёрим қолмади,
Куйди шавқинг ўтиға сабру қарорим қолмади,
Сандин ўзга олам ичра ғамгусорим қолмади,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Олди ақлу сабру ҳушим чашми фаттонинг санинг,
Этти савдойи мани зулфи паришонинг санинг,
Кўзларимдин қон оқизди лаъли хандонинг санинг,
Ваҳ Нишотийдек бўлубман зору ҳайронинг санинг,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

* * *

Ҳоли майгун улки анбар бирла мушкин айламиш,
Ғозаи гулгунидин ҳусниға тазъйин айламиш,
Ғоратидин айламак ўзига ойин айламиш,
Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличиға ёшил қин айламиш.

Бурқанин олғач юзидин ул паризоди ирам,
Шоми гамда қолди меҳру ой, доғи давр этти кам,
Лашкари идроку ақлу сабру ҳушим этти рам,
Тийра кучдин айламиш гар пайксолиға алам,
Ваҳ яна то не кўнгул яғмосиға кин айламиш.

Икки зоғи зулфинг ўлди жон қушиға то ду зоғ,
Хижлатидин айлади ҳайли риёҳин тарки боғ,
Тар димоғ ўлғон чоғи атри била ҳар боғу роғ,
Сунбулунг афъисидин захмий емиш гўё тароғ,
Йўқса нечун оразин бошдин аёғ чин айламиш.

Токи гулгун ҳулла кийди, жисми сиймин узра ёр,
Рашк ўти қилди тани пур печитобим тор-мор,
Сўрма, эй ақли хирад, анвои зийнатға шумор,
Уйладурким илкини хино уза қилмиш нигор,
Улки гулгун кўнглак узра бу не рангин айламиш.

Деди алтофи сўзиға кўз солиб ул шўху шанг,
Баҳри маънида Нишотийдур агар чанги наҳанг,
Кўҳи донишда Навоий ҳам эрур ғаррон паланг,
Гар Сулаймон мулкича бордур Навоийға нетонг,
Чунки билқиси замон назмиға таҳсин айламиш.

* * *

Айрилурсан ул лаби хандондин, эй жон, ййглағил,
Кўзни айлаб сели ғамдин баҳри уммон, ййглағил,
Кўз ёшинг мужгонинг этсун шоҳи маржон, ййглағил,
Эй кўнгул, ҳижрон кунидир тортиб афгон, ййглағил,
Эй кўз, айрилгунгдур ул гулчеҳрадин, қон ййглағил.

Ғар баҳор айёми борсанг равзаваш маъман сари,
Ёш тўқуб кўздин, юзингни сургил ул маскан сари,
Бахт ўлуб ёвар, етушсанг сарв ила савсан сари,
Кўз тутарман эй булутким ўтсанг ул гулшан сари,
Чун соғинсанг бизни ун тортиб фаровон ййглағил.

Боғ аро тўби хиромим базмими обод этиб,
Сарв ила шамшоду савсандек неча ҳамзод этиб,
Роҳи айш ичган замон руҳи ҳазиним шод этиб,
Эй, қадаҳ қон ютмоғимни мажлисида ёд этиб,
Чекса гулгун бода ул гулбарги хандон ййглағил.

Жон чиқарға жисмдин ҳар лаҳза роғиб, эй кўнгул,
Чунки бордур дўст-душман, ёри ғойиб, эй кўнгул,
Ҳажр қотил, дард мушкил, марг толиб, эй кўнгул,
Йўл қаттиғ, мақсуд мубҳам, яъс ғолиб, эй кўнгул,
Ун чекиб бу ҳолингга то бордур имкон ййглағил.

Қайда ул бедилға оё сабру орому шакиб,
Азм этиб ғурбатға ул қолса ватан ичра ҳабиб,
Бору йўқни тарк этиб, бўлдинг Нишотийдек ғариб,
Эй Навоий, белу оғзидин санга йўқтур насиб,
Хоҳ пайдо нола қилғил, хоҳ пинҳон ййглағил.

* * *

Белинг хаёлини топмоқ маҳол эмиш билдим,
Қад ила зулф паёми ҳам ол эмиш билдим,
Сўзинга шифта орийки бол эмиш билдим,
Лабинг ҳаёт суйидин зилол эмиш билдим,
Зилоли нуқтаси устида хол эмиш билдим.

Кишига рамзи даҳони ниҳонига етти,
Бу сирри ғайбни ҳар хаста жонки фаҳм этти,
Фано елига вужуди ҳабо бўлуб кетти,
Қадимки ҳам бўлуб оғзинг хаёлидин итти,
Адам ичида ҳамоноки дол эмиш билдим.

Қуёшки чиқса уфқдин топар жаҳонга шуюъ,
Анга сапида дами субҳ аввал ўлди вуқуъ,
Қародин оққа айлар чиқарда меҳр шуруъ,
Юзингни билмас эдим зулфаро чу қилди тулуъ,
Ғариб ахтари фархунда фол эмиш билдим.

Юзинг қуёши табу тобидин иситмиш эдим,
Ўзимни билмагудек ўздин анда кетмиш эдим,
Битар яранг, деди ҳолинг сўзига тутмиш эдим,
Қошингда холни овозасин эшитмиш эдим,
Бу каъба тоқида ул бир ҳилөл эмиш билдим,

Не дей Нишотий мушкин сабоҳ солин,
Бало-у меҳнату шиддатаро кўруб ҳолин,
Тасаввур айлабон онинг кўнгилда тимсолин,
Фироқ шомиди сўрдим Навоий аҳволин,
Сочинг хаёлида ошуфта хол эмиш билдим.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ақл-маъдум, хуш нодону хирад-норахнамун,
Ишқ ғолиб, шавқ муҳлиқ, бетараҳум чархи дун,
Ер ғофил, дард мушкул, ҳажр қотил, ашки хун,
Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, душман қавий, толе забун.

Ҳамдам оҳу, ҳамнафас афғон, балолиғ банд-банд,
Руҳ маҳзун, жон ҳазин, хотир ғамин, сиҳҳат газанд,
Марғ ҳамсуҳбат, даво ноёбу марҳам мустамамд,
Ақл дун, ҳиммат садойи таъна, бир-бирдан забун.
Бахт кам, шафқат балойи ишқ кун-кундин фузун.

Ваҳ нечук айлай гумон ўзни бу ҳолатда ҳаёт,
Хокаро пинҳонман андоқ ахтариб, ғопмас мамот,
Утаро пургоҳдек ақлу хирадға йўқ нажот,
Елда барги лоладек тамкину дониш бесабот,
Сувда акси сарвдек таъсири давлат вожгун.

Ҳамраҳим — ғам, мунисим — дарду рафиқимдур ано,
Маҳрамин — меҳнат, шафиқим — марғ, ҳамдардим — қазо,
Тутғоли қад бирла қошинг он то жон ичра жо,
Ҳар саҳий қад жилваси бир сели тўфонӣ бало,
Ҳар ҳилол абрў қоши бир сархати машқи жунун.

То кўнгул боғида тутти маскан ул нозик ниҳол,
Боғбоннинг таъби бўлди гул киби рангин хаёл,
Истабон бу ваҷҳ ила топмай Нишотийдек мақол,
Чеҳраи зардин Фузулийнинг тутубтур ашки ол,
Кўр анга не ранглар чекмиш сипеҳри нилгун.

МУСАДДАСИ НИШОТИИ

Ваҳ неча ақлу хирад гупроқиға паст бўлай,
Хайли ножинс била ҳамдаму ҳамдаст бўлай,
Борайин дайри муғон аҳлиға пайваст бўлай,
Топибон нашъайи май, шери забардаст бўлай,
То бакай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Ҳодийи роҳи мурод ўлмас экан ҳар гумроҳ,
Бўлғуча сўмеан зоҳидаро олий жоҳ,
Бўлайин пири хароботға хоки даргоҳ,
Ичиб илкидин онинг бўлмай ўзимдин огоҳ,
То бакай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Пок ичиб дайри муғон ичра бўлай масту паланг,
Уйнайин баҳри майи нобаро андоқки наҳанг,
Лутф жомидин агар этса карам соқийи шанг,
Сумурай, ўйлаки қочсун кўрубон ном ила нанг.
То бакай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Ҳуша келтургали ҳар дам манга афсун қилманг,
Демангиз панд манинг дардимини афзун қилманг,
Деманг афсонау афсун манга қонун қилманг,
Ташна лабмар мани жуз май била мамнун қилманг,
То бакай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Айланг, эй ақлу хирад, ўзга тараф узра хиром,
Ганжи майхонааро ман доғи айлай ором,
Қутулуб бир йўли сиздин бўлайин маст мудом,
Қочинг, эй ор ила номус, кетинг, эй нанг ила ном,
То бақай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Дўстлар, панд буқим жом ила май нўш қилинг,
Ўзни билмасдек ичиб шому саҳар жўш қилинг,
Зухду тақвий била тоатни фаромуш қилинг,
Берибон жом лаболаб мани мадҳуш қилинг,
То бақай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

Ақл ниши била бошдин оёқ озор ўлдум,
Ҳуш эли таънасинин, ваҳки, дилафгор ўлдим,
Сабр зиндонида донишга гирифтор ўлдим,
Борчадин зор Нишотий киби безор ўлдим,
То бақай риштайи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояъқил ўлай, маст бўлай.

ҚАСИДАИИ НИШОТИИ

Эй, келиб авранги иззатга вужудинг зебу фар,
Давлату иқбол ила нусратга зотинг тожи сар,
Чарҳи дойир бўлғали истаб иморат баҳридин,
Топмади гаввос ўлуб бир сен киби воло гуҳар.
Базму разм ичра сенингдек кўрмади даврони баҳр,
Қон сочиб разм ичра-у базм ичра сочғон сийму зар,
Ўт туташғон бешадек майдонда ётғай душманинг,
Барқи рафторинг агар наълидин айрилса шарар.
Жон ситон тиғингни кўргач хунфишон ҳайжо чоғи,
Савлатидин бўлғуси тарсону ларзон шери нар.
Не ажаб ҳар қалъани Ҳайбардек этмак фатҳи боб,
Бўлди чун туғройи туғинг ояти фатҳу зафар.
Дидаи бадхоҳдин оқса тонг эрмас ашки хун.
Лаълигун тиғинг қуёшдек бўлса ногоҳ жилвагар.
Боди пойинг гар дами сурсанг уруш майдониға,
Қолмағай ажсоди аъдонинг губоридин асар.
Қаҳрабодек ўлғуси сиймойи аъдо онда лек,
Қилғуси лаъли бадохшондек они хуни жигар.
Тунд ўлуб сурсанг газабангиз майдон азмиға,
Ваҳшат этғай душман аҳлин бир йўли осима сар.
Ваҳмдйн душманларинг пинҳон бўлур ер топмайин,
Зоҳир ўлғай арсаи маҳшар доғи айнал-мафар.
Кўҳу дарё савлатингдин ўлғуси симобвар,
Тоғ янглиғ айласанг дарёйи лашкарни мақар,
Қаҳр ила тиғи сиёсатга агар сурсанг алинг,
Қўрқувдин боши уза қилғай ажал илкин супар.
Нусрат ойн лашкаринг оллидаким топса шикаст,
Қолмағай ул қавмнинг ҳолиға йиғлар навҳагар.

Мумкин эрмастур қутулмоқким санга бўлса тараф,
Чун ўқу найзанг қазониш ўлди пайкони қадар.
Қайси душман қочса олдингдин бўлуб осимавор,
Бўлғуси дарвозайи шаҳри фано анга мамар.¹
Қайси лашкар муддаоси бўлса амрингга хилоф,
Тандин учғай боши, бошдин мудаоси сар-басар.
Хашм отин ўт бўлуб майдонга сурганда саманд,
Қаҳринг ўти шиддатидин қилғуси дўзах хазар.
Қилғусидур разм даштин пур дамида баҳри хун,
Сув киби тигинг гар ифшо қилса дарёйи ҳунар.
Шавкатинг кўргач рукобинг ўпкали майл эттилар.
Гардларким эрдилар гарданқашу пур хошхар.
Жаннат ойин базминг ичра ҳар фасихи хуш баён,
Нуқта дер чоғда Фалотун қолғусидур беҳабар.
Зулмати жаҳл ичра қолгонларга онлар Хизр, лек,
Чашмаи ҳайвони маъни сори бордур роҳбар.
Ҳар надими ҳикмати онинг тақаллум вақтида,
Гулшани фирдавсаро гўё шажардур хуш самар.
Жавди адлинг абр алтофидин ўлди барчаси,
Музраи боғи риюёда на бўлса хушки тар.
Зулм эли хоки мазаллат ичра бўлди сар нигун,
То адолат тахти жоғи узра бўлдинг тожвар.
Тахти рифъат узра тутғач саъди акбардек тулуъ,
Кирди зиндони адамга наҳс дун шўришар.
Чунки суд ўзга жаҳон савдоси ичра ахтариб,
Топмади олам эли адлинг замонида зарар.
Баҳр, жуду кўх эҳсонингни кўргач ваҳм этиб,
Қочти дарё бирла кондин сийму зар, лаълу гуҳар.
Чекмагай олам эли ою қуёшнинг миннатин,
Зарфишон панжанг қачон сочса жаҳонга сийму зар.
Бўстони маъдалатни зийнат ойин айладинг,
Боғи олам топти бори тозау тар баргу бар.
Шаръ бозусин қилиб сар панжаи адлинг қавий,
Доду адлингдин ушалди панжаи бедодгар,
Шаҳнаи адлинг, анингдек қилди хоинни адам,
Ким хазина ҳифзига ҳожат эмастур куфли дар.
Ўйла кесдинг зулм эли илкинки айни ваҳмдин,
Кимга зоди роҳзан ҳоло ул ўлди роҳбар.
Чун шуқуҳи давлатинг ўлди риюёга шубон,
Водийи эминдек эмин бўлди, роҳи пур хатар.
Адлу додинг ончи берди аман олам мулкига,

¹ Мрамор маъносида.

Карку оҳу бир-бирига бўлдилар шире шакар.
Хушку тарни изади бечун санга айлаб мугъ,
Чун Сикандар тахти фармонингда бўлди баҳру бар
Етмагай ҳаргиз биров жониға адлинг вақтида,
Хўбларнинг ниши мужгонидин ўзга нештар,
Моҳни Ақрабда кўрмас кимса даврингда кўрар,
Дилраболар зулфини афъийн рухсорин қамар.
Бўстони адлинг ичра кўрмагай наргис кўзи,
Гулжабинлар ғамзасидин ўзга ҳаргиз, фитнагар.
Дўстингнинг офтоби умриға етмай завол,
Етмасун душман қаронғу шомиға файзи саҳар.
Уйла тузсун адлу эҳсонинг замонин лутфи ҳақ,
Очмасун бир пашша ниши зулм урарға болу пар.
Сан худо ҳифзида бўл, бўлсун санинг ҳифзинг биле,
Сарсари офатдин эмин(ул) риоёға шажар.
Ҳар тунинг қадр ўлсуну ҳар бир кунинг наврузи нйд,
Қилсанг, эй мири жаҳоноро, Нишотийға назар.